Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 3 декабрь, чоршанба • № 96 (10.975) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАРКИБИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим тизимини педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш, олий мактаб педагогларининг ёшларни тарбиялашдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1997 йил 1 декабрдан бошлаб олий ўқув юртлари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг лавозим маошлари меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядларни ошириш ҳисобига ўртача 25 фоизга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус Таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда юқорида кўрсатилган ходимларнинг лавозим маошларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун зарур бюджет маблағларини ажратсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 2 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ ЛАТВИЯДА

ПРЕЗИДЕНТ Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деб аталган китоби ҳамон жуда кўп мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг боиси — асарда кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги ҳамда муҳимлигидир. Чунки, ер курраси-даги тинчлик ва барқарорлик ана шу муаммоларни ижобий ҳал этишга боғлиқдир.

Яқинда Ригада Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Латвия журналистлар уюшмаси биносида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, илмий марказ ва олий ўқув юртлари олимлари, Ўзбекистоннинг Латвиядаги вакиллари, журналистлар йиғилдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги муваққат ишлар вакили И. Мавлонов учрашувни очиб, китобда кўтарилган муҳим ҳолатлар — миллий, минтақавий ва умумбашарий тинчликка даҳлдор масалалар, шунингдек, республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида гапириб берди.

Латвия Республикаси сейми (парламенти) раиси А. Чепанис ўз сўзида Ўзбекистон Президенти асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанлигини таъкидлади. У китобга Марказий Осиёдаги минтақавий муаммоларни акс эттиришга бағишланган жиддий, таҳлилий асар, деб баҳо берди.

Болтиқ барқарорлик жамғармаси президенти Я. Юрканс, Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш парламент гуруҳининг раиси Я. Урбанович, Латвия журналистлар уюшмаси президенти Л. Азовска, Латвия дорилфунуни проректори И. Лацис, Латвия кооператорлар иттифоқи бошқаруви раиси И.Страутиньш ва бошқалар ўз сўзларида Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи, Ўзбекистон—Латвия муносабатларининг ривожига ижобий баҳо бердилар.

Тақдимот иштирокчилари, шу жумладан, Латвия президентининг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси К. Эйхенбаумс ҳамда маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Р. Паулсларга Ўзбекистон Президентининг янги китоби хадя этилди. Мазкур анжуман арафасида мамлакатимиз элчихонаси яна бир хайрли ишни амалга оширди. Латвия дорилфунунига 100 га яқин китоб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, китоблари ҳамда тарихимиз ва маданиятимизга бағишланган ахборот мажмуаларини тақдим этди.

"ЖАҲОН" АА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 1997 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ҲАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 ноябрь.

* * *

Олий Мажлис ўнинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджети тўғрисида.
2. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларнинг лойиҳалари тўғрисида:
2.1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси лойиҳаси ҳақида.
2.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг санацияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
2.3. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.
2.4. Гаров тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
4. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
5. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
6. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

МУЛКДОР

мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар уни шакллантиришда бош омилдир

МАМЛАКАТИМИЗДА иқтисодий ислоҳотлар тобора жадал олиб борилмоқда. Аввало, инсон манфаатларига, унинг фаровонлигини ошириш, турмуш тарзини яхшилашга қаратилган бу жараённи қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Мулкчиликнинг турли шакллари, айниқса кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки у Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузалари ва нутқларида қайта-қайта таъкидлаганларидек, давлатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш омилларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда бу меҳнаткашлар оммасини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб қилиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда тадбиркор мавқеи, унинг катта-кичиклигидан қатъий назар, мамлакатимиз иқтисодиётидагина эмас, балки бутун ҳаётида марказий сиймо бўлиб бормоқда. Бунинг учун қонунчилик негизи, ташкилий асослар яратилди ва улар замон талабларига қараб муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири кишилар онгида тадбиркорлар, умуман, тадбиркорликка нисбатан муносабатни ижобий томонга қараб ўзгартиришдан, бозор иқтисодига ўтиш даврида вужудга келган бу табақанинг келажак учун аҳамияти беқиёс эканлигини тушуниш кўникмаларини тарбиялаш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборатдир. Ваҳоланки, ишбилармонлар йўлида тўсиқ бўлаётган ғовлар ҳали ҳам кўп. Ҳозирги вақтда тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилган, бунинг учун ҳар томонлама имкониятга эга бўлган кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур бўлган барча ёрдамни кўрсатиш керак. Улар мустаҳкам оёққа туриб олсагина мамлакатга, халққа фойдаси тегадиган бўлади.

Шундай экан, кичик ва хусусий бизнеснинг мустаҳкам ўрнашиб олиши, иқтисодий ҳаётда ўз ўрнини топиши, уни давлат ва халқ манфаатларига кўпроқ фойда етказиш даражасига келтириш учун нималар қилиш керак? Бу муҳим вазифани амалга оширишга ҳисса қўшиш бўйича оммавий ахборот воситалари олдида қандай вазифалар турипти, уларни ҳал қилиш йўлларичи? Республикамиз марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари газеталари, радио-телевидение ходимларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган минтақавий семинар-кенгаш шу масалалар муҳокамасига бағишланди. Унда шу вилоятлардаги айрим кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳам қатнашдилар.

Семинар-кенгашда кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши биринчи ишчи гуруҳи раҳбари Т.Мақсудов оммавий ахборот воситаларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришдаги роли тўғрисида маъруза қилди. Бундан ташқари, унда қатнашаётган вилоят оммавий ахборот воситалари гуруҳлари раҳбарлари — "Ташкентская правда" газетаси бош муҳаррири А. Хўжаев, "Сирдарё ҳақиқати" — "Сирдарьинская правда" газетаси бош муҳаррири О. Султонов, Жиззах вилояти матбуот бошқармаси бошлиғи Р. Мелибоевларнинг муҳокама қилинаётган масала юзасидан қисқача ахборотлари тингланди.

Маърузачилар ва музокараларда қатнашган нотиқлар шуни таъкидладиларки, маҳаллий оммавий ахборот воситалари умуман иқтисодий ислоҳотларни, айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ёритишга тобора катта эътибор бермоқдалар. Бу мавзу вилоят шаҳар ва туман газеталари, маҳаллий телевидение ва радиода марказий ўринлардан бирини эгаллаб турипти. Ҳар бир газета саҳифасида, телевидение кўрсатуви ва радио эшиттиришида мулкнинг шу шаклига бағишланган материалларни учратишингиз мумкин. Бунинг учун журналистиканинг барча жанрларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Янгиянги рукнлар пайдо бўлмоқда, қўшма сонлар, қўш ва алоҳида саҳифалар, кўпдан-кўп мақолалар, хабарлар берилмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоқадор бўлган ташкилотлар раҳбарлари, бевосита ишбилармонларга ҳам кенг минбар берилмоқда.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг оёққа туриши ва ривожланиши кўнгилдагидек бўлмаяпти. Уларнинг анчагина қисми суст ва қониқарсиз фаолият кўрсатмоқда, давр талаблари даражасида ишлай олмаяпти, кўп ҳолларда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматлари сифатсиз бўлмоқда. Натижада, улар ёпилиб қолмоқда. Бундай мулк шаклига оид тадбиркорлик тузилмаларининг қирқ фоизигина нисбатан дуруст ишламоқда. Шундай ачинарли ҳолат қандай таркиб топяпти, унинг сабаблари нимада? Маҳаллий оммавий ахборот воситалари бу масалаларни ҳам изчил ёритишлари керак. Афсуски, ҳамма жойда ҳам бунга эришилганича йўқ, таҳлилий материаллар етишмайди, масаланинг моҳиятини чуқур билиб ёзилган мақолалар ҳам ҳамон кам, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ўз таъмагирлиги билан ҳалақит қилаётган нопок тўралар кирдикорлари фош қилинган мақолалар онда-сонда берилмоқда.

Семинар-кенгашда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларнинг қониқарсиз ёритилишининг сабабларидан бири қаламкашларда иқтисодий билим етишмаётганлигидир, деб жуда тўғри таъкидланди, уларнинг иқтисодий билимларини кенгайтириш лозимлиги уқтирилди. Бунинг учун махсус ўқишлар ташкил этиш керак. Шунингдек, иқтисодий мавзуда қалам тебратувчи журналистларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласи ҳам кўтарилди. Шу мақсадда кўрик-танловлар ўтказишни уюштириш вақти келди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузурида оммавий ахборот воситаларини маълумотлар ва ахборотлар билан таъминлаб турувчи агентлик ташкил этиш керак деган фикр ҳам олдинга сурилди.

Семинар-кенгашда кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришни оммавий ахборот воситалари томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲОРИЖГА МАҲСУЛОТ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати жамоаси ҳар йили узоқ ва яқин хориждаги ўнлаб мамлакатларга ишлаб чиқарган маҳсулотларини етказиб бермоқда. Улар орасида мис катта ҳажмни ташкил этади. Бундай қимматли металлни харид қилувчи давлатларнинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Яқин чет эл мамлакатларидан Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон, Молдовалар доимий мижоз ҳисобланади, узоқ хорижий юртлардан Греция, Нидерландия, Швейцария, Япония, Эрон, Англия, Туркия, Олмония, Словакиялар ҳам шулар жумласига киради. Уларга йил бошидан бери юзларча миллион сўмлик металлургия маҳсулотлари етказиб берилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

"АЁЛ ВА ЖАМИЯТ"

МАНА, икки йилдирки, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси Олмониянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси билан ҳамкорликда ана шу шиор остида семинар ўтказиб келмоқда. Ундан кўзланган асосий мақсад хотин-қизларимизнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ислоҳотларни амалга оширишдаги фаоллигини оширишдан иборатдир. Шу йилнинг 1-2 декабрь кунлари вилоят ҳокимлигида "Аёл ва жамият" мавзусидаги семинарнинг учинчи босқичи бўлиб ўтди.

Семинарда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг аёл раҳбарлари, журналистлар иштирок этдилар.

Семинарни Конрад Аденауэр жамғармасининг ҳудудий бўлими вакили Вольфганг Шрайбер очди. Икки кун давом этган семинарда унинг иштирокчилари халқаро журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори вазифасини бажарувчи Гулнора Бобожонова, Конрад Аденауэр жамғармасининг референти Наталья Кургановская, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг муовини Зуҳра Азимова, республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг муовини Диловар Қобулова, вилоят педагог кадрлар малакасини ошириш институтининг ректори Дилбар Маликова ва бошқаларнинг оналик ва болаликни, оилани муҳофаза қилиш, жамият, оила ва аёлнинг ҳуқуқий манфаатлари, ёш оила муаммолари, демократик-ҳуқуқий давлатда оилани режалаштириш, янги авлодни вояга етказишда аёл-онанинг роли сингари кўплаб қизиқарли мавзулардаги маърузаларини тингладилар.

— Вилоятимиз аҳолисининг деярли тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади, — деди семинар ташкилотчиси, вилоят ҳокимининг муовини — хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева, — бу ўз-ўзидан мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий жамият қуриш, бозор иқтисодиётини барпо этишда хотин-қизларимизнинг ўрни катта эканлигини кўрсатиб турипти. Бугунги кунда улар халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат қилмоқдалар. Шу сабабли уларнинг билим ва малакасини ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан иш юритиш, айни вақтда оила, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш борасидаги дунёқарашларини кенгайтиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Биз шу нуқтаи назардан Олмониянинг Конрад Аденауэр жамғармаси билан биргаликда бундай семинарларни босқичма-босқич ўтказиб бормоқдамиз. Ўйлайманки, бу семинарлар ва иштирокчиларнинг шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар ҳаёти, корхона, ташкилотлардаги фаолияти, оилалари билан бўлаётган танишувлар ва амалий мулоқотлар иштирокчиларда катта таассуротлар қолдирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам семинар иштирокчилари билан мулоқотлар бундай тадбирнинг ташкил этилиши фақат фойда келтираётганлигини кўрсатмоқда.

Кеча — семинар якунида битирувчиларга Конрад Аденауэр жамғармасининг махсус гувоҳномалари топширилди.

Вилоят семинарида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқди.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦

– СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча почта-алоқа бўлимларида газета ва журналлар қаторида «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади. Пойтахтимизда ва вилоятимизда яшовчилар учун обуна баҳоси газетани уйга етказиб бериш билан ҳисоблаганда:

якка обуначилар учун:	ташкилотлар учун:	Абонент кутилари бўлган тошкентликлар учун обуна баҳоси бундан ҳам арзонроқ:	Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
1 йилга— 1020 сўм	1 йилга— 1675 сўм 20 тийин	1 йилга — 804 сўм	Якка обуначилар учун — 205
6 ойга— 510 сўм	6 ойга— 837 сўм 60 тийин	6 ойга — 440 сўм	Ташкилотлар учун — 206
3 ойга— 255 сўм	3 ойга— 418 сўм 80 тийин	3 ойга — 201 сўм	

«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

"Ўзбекистон почтаси" Давлат - Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК газета _____ (нашр кўрсаткичи)

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга _____ (почта индекси) _____ (манзилгоҳ)

Кимга _____ (фамилияси,исми ва отасини исми)

п.в. место

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

_____ (нашр кўрсаткичи)

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	Сўм	Обуна сони
	Баҳоси	Сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга _____ (почта индекси) _____ (манзилгоҳ)

Кимга _____ (фамилияси,исми ва отасини исми)

ЖАҲОН ҲАЁТИ

Воқеалар тўлқинида

РУМИНИЯ

1 ДЕКАБРЬ куни румин халқи ўзининг миллий байрами — республика мустақиллиги кунини тантанали равишда нишонлади. Мазкур мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар кун сайин ривожланиб бормоқда. Айниқса, 1996 йил ёзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Руминияга қилган ташрифидан сўнг барча соҳалардаги ҳамкорлик тараққиётнинг янги босқичига кўтарила бошлади.

РОССИЯ

КЕЧА Россия Федерацияси президенти Борис Ельциннинг Швецияга расмий ташрифи бошланди.

ФИНЛЯНДИЯ

ХЕЛЬСИНКИДА Оврупо Иттифоқи таркибига кирувчи 12 давлат ва Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги 15 мамлакат табиатни муҳофаза қилиш вазирларининг анжумани бошланди. Унда Ўрта Ер денгизи ва унинг ҳавзасида атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда бу борадаги дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинмоқда.

БЕЛЬГИЯ

НАТО мутахассислари мазкур уюшмага Польша, Венгрия ва Чехиянинг қабул қилиниши аввал тахмин қилинганидан камроқ сарф-харажат талаб қилмоқда, деган қарорга келдилар. Уларнинг ҳисоб-китобларига қарагандa, янги аъзоларни қабул қилиш учун ўн йил ичида 1,5 миллиард долларга яқин маблағ сарфланар экан.

ИСРОИЛ

МАЗКУР мамлакат пойтахти — Тель-Авивдаги автобекатда Йони Аврушми исмли йигит гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилаётганда қўлга тушди. У героин сотаётган экан. Гапнинг қизиғи шундаки, Й. Аврушми 14 йиллик қамоқдан сўнг қисқа муддатли таътилга чиқарилган экан. У ўша кунлар мобайнида унчамунча пул ишлаб қолиш илинжида бўлган.

АҚШ

9-10 ДЕКАБРЬ кунлари Вашингтонда "саккизлик" мамлакатларининг вазирлар даражасидаги учрашувининг бўлажаклиги эълон қилинди. Икки кун давом этадиган мазкур мулоқотда АҚШ, Буюк Британия, Олмония, Италия, Канада, Россия, Франция ва Япония мамлакатларининг ички ишлар ҳамда адлия вазирлари иштирок этадилар.

Ўзбекистон Конституциясининг беш йиллиги олдидан

ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР МАЖМУАСИ

Ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи Асосий қомуси — Конституцияси бўлади. Унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг идоралари фаолиятини ташкил этишнинг маромли тартиблари ўз аксини топади. Шу жиҳатдан олганда бундан беш йил аввал қабул қилинган Конституциямиз республикамизнинг миллий истиқбол ва умумбашарий истиқбол қонунларининг бош манбаи ҳисобланади.

Ҳаётимизнинг маънавий, ҳуқуқий илдизлари қадимқадимларга бориб тақалади. У ана шу илдизларга асосланиб яратилганлиги учун ҳам жаҳон ҳамжамиятида катта нуфузга эга бўлди.

Конституцияда давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ-эркинликлари масаласига алоҳида эътибор берилган. Зеро, қомусда таъкидланганидек, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Ҳар ким эркин, ҳеч қандай таъна, тазйиқларсиз яшаши учун тўла имкониятлар мавжуд. Қонунга асосланмаган ҳолда фуқаро ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганида айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги махсус банд билан қайд этилган. Республикамизда ҳар ким ўз шаъни, обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига ҳам эгадир.

Айни пайтда республикамиз фуқаролари учун сиёсий ҳуқуқлар борасида катта имкониятлар мавжуд. Улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этадилар. Бундай иштирок этиш референдумлар ўтказиш ва давлат идораларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Масалан, 1995 йил 24 март куни Президентимиз Ислом Каримовнинг Президентлик ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш мақсадида Ўзбекистонда Умумхалқ Референдуми ўтказилди. Унда мутлақ кўпчилик қатнашиб, Президент ваколатлари муддатини узайтиришини ёқлаб овоз берди. Шуни ҳам айтиш лозимки, референдумда қабул қилинган қарорлар республикамизда олий юридик кучга эга ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Демак, референдумлар (умумхалқ овозига қўйиш) фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги муҳим воситадир.

Ушбу воситанинг ўта аҳамиятли эканлигидан келиб чиқиб 1991 йил 18 ноябрдаёқ мамлакатимиз Олий Кенгаши "Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида"ги махсус қонунни қабул қилган эди. Унда, хусусан, фуқароларнинг референдумда иштирок этиш ҳуқуқи, референдумни ўтказиш принциплари каби масалалар акс эттирилди.

Конституцияга кўра фуқаролар касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюша оладилар. Улар турли идораларга, муассасаларга таклифлар, шикоятлар билан мурожаат этишлари мумкин. Ариза ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда вақтида кўриб чиқилиши шартлиги ҳам Асосий қомусда ўз аксини топган.

Бозор муносабатлари жараёнида фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва муаммолари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, Конституциямизнинг IX-бобида ана шу ҳуқуқлар мазмуни баён қилинган. Бош қонуннинг 36-моддаси "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади", дейилган.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Асосий қонуннинг 54-моддасига кўра "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт", деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Дарҳақиқат, мулк жамиятнинг ривожланиши учун зарур бўлган моддий манбадир. У мамлакатнинг иқтисодий негизини ташкил этади. Жамиятнинг ижтимоий тузилишини ҳам мулк белгилайди.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида ҳам республикамизда мулкчилик масаласига жиддий эътиборни қаратиб: "Мамлакатда чинакам ўрта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислоҳотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади", деб қайд қилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, иқтисодий жиҳатдан собит-қадам ва барқарор жамиятни шакллантириш масалаларини кўриб чиқар эканмиз, энг аввало, тадбиркорлик ва умуман мулкдорлар синфи давлат ва жамият қурилишида, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашда қандай роль ўйнашини назарда тутиш лозим. Шу жиҳатдан олганда ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг айни таянчидир.

Бу ўринда гап, мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси эканлиги, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорлардан иборат кучли қатлами эса унинг сиёсий асоси эканлиги ҳақида бормоқда. Зеро, аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликни ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жадал рўёбга чиқишининг кафолати ҳисобланади.

Абдувоҳид ВАҲОБОВ,
юридик фанлар номзоди, доцент.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тошкентда қишлоқ хўжалик ташкилотларининг санация масалалари ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳуқумат комиссияларининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлди. Унда вилоят ҳокимлари, уларнинг қишлоқ хўжалиги ва сув масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, мутасадди вазирлик, концерн, корпорация, уюшма ва айрим деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Қўшма мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг биринчи мажлисида аграр секторда иқтисодий ислоҳотлар оқсаётгани, айрим раҳбарлар унинг туб моҳиятини ҳамон тушуниб етмаётганини кўрсатиб ўтган эди, деди нотиқ. Шу боис, Республика комиссияси жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва унга тўсқинлик қилаётган барча муаммоларни ўрганиб чиқди. Хусусан, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши батафсил ўрганиб чиқилди. Уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича янги қабул қилиниши зарур бўлган қонун лойиҳалари, ҳукумат қарорлари бўйича таклифлар тайёрланди.

Комиссия тегишли вазирлик ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган 1998—2000 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини ҳам ишлаб чиқди.

Дастлабки йилларда қишлоқдаги иқтисодий ислоҳотлар республика қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида амалга оширилди. Бу давр мобайнида хўжалик юритишнинг нодавлат шаклларига ўтилди. Мулкий муносабатлар ўзгариб, мулкдорлар ва хўжаликларга иқтисодий мустақиллик берилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг 98,4 фоизи ана шу сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Пахта ва ғалладан ташқари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилинди. Бу йил пахтага бўлган давлат буюртмаси етиштирилган ялпи ҳосилнинг 30 фоизини, ғаллага эса 25 фоизини ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигининг илмий ечимларини такомиллаштириш ва ҳаётга жорий этиш жараёнини тезлатиш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида илмий ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигига молиявий ёрдам кўрсатишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Агросаноат мажмуи ривожини илғор техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, Американинг «Кейс» ғалла ўриш комбайнлари, «Магнум» хайдов тракторлари бизнинг шароитга мос келди. «Кейс» фирмаси билан қўшма корхона тузилиб, пахта териш машинаси ва трактор ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Аммо қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашда қатор камчиликлар мавжуд. Президентимиз Тошкент трактор заводида бўлган чоғида олим ва конструкторларга қаттиқ эътироз билдирди. Улар олдига аниқ вазифалар қўйди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик экинларининг структураси қайта кўриб чиқилди. Пахта майдонлари камайтирилиб, суғориладиган майдонларга экиладиган ғалла бир миллион гектарга етказилди. Аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлашда бу тадбир муҳим аҳамият касб этди. Шунга қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижга чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қисми ҳамон четдан келтирилмоқда. Бунинг устига, қатор вилоят ва туманлар ғалла, пахта тайёрлаш режасини бажармадилар. Экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги пастлигича қолмоқда. Натижада йилни зарар билан якунлаган хўжаликлар сони камаймаяпти.

Агар 1994 йилда 401 хўжалик йилни 2,05 миллиард сўм зарар билан якунлаган бўлса, 1996 йилда уларнинг сони 1677 тага етди. Кўрилган зарар эса 22,3 миллиард сўмни ташкил этди.

Мажлис қатнашчилари муҳокамасига қўйилган «Қишлоқ хўжалигида 1998—2000 йилларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури»да ана шу масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 29 октябрдаги фармойишининг бажарилиши хусусида қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси раисининг ҳисоботи тингланди. Бу ҳақда республика Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов маъруза қилди. У иқтисодий ислоҳотларга тўғоноқ бўлаётган, фойда билан зарарни фарқлай олмайдиган, тасарруфидаги хўжаликларни мунтазам қарзга ботириб келаётган раҳбарларни қаттиқ танқид қилди.

Шундан сўнг макроиқтисодиёт ва статистика вазири ўринбосари А. Жўраевнинг ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури муҳокамасига бағишланган маърузаси тингланди.

Музокараларда сўзга чиққанлар кўрилаётган масаланинг моҳияти, унинг иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Қўшма мажлисда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосарлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А. Муҳиддинов, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен иштирок этди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳиссадорлик жамиятларида

УНИ "АНГРЕН — НОН" ДЕЙДИЛАР

ОЧИҚ турдаги бу ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг меҳнати меваларидан 160 минг аҳоли баҳраманд бўлмоқда. Корхона жамоаси бир йўла икки шаҳарда истиқомат қилувчиларга хизмат кўрсатаяпти. Уларга дастурхонимиз кўрки бўлган нон ва нон маҳсулотлари етказиб бермоқда. Ҳар куни нон ортилган ўнлаб махсус машиналар жамият дарвозасидан чиқиб Ангрен ва Янгиободдаги дўконлар томон йўл олади. Бир кунда эса талабга қараб 26 тоннагача шундай озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда.

"Ангреннон" корхонасида меҳнат жараёни куну тун узлуксиз давом этади. Бу ерда ўрнатилган турли-туман асбоб-ускуналар — хамир қоргичлар, печлар, тандирлар ва бошқа машина-механизмлар доим ҳаракатда. Новвойлар уларни моҳирлик билан бошқарадилар, тўла қувват билан ишлашига эришмоқдалар. Чилангарлар ва механиклар эса барча асбоб-ускуналарнинг доим соз ҳолда бўлишини таъминлаяптилар. Бу жамоанинг ҳар бир аъзосига хос бўлган меҳнатсеварлик, зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис қилиш, вазифани сидқидилдан бажаришга бўлган интилиш каби фазилатлар самарасидир.

Корхона бозор иқтисоди шароитларида ишлашга мослашиш мақсадида хўжалик юритишнинг очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлангач, жамоада соҳиблик ҳисси кучайди. Новвойлар ўз корхоналарининг ҳақиқий эгаси бўлиб қолдилар. Чиқарилган акцияларнинг анчагина қисмини жамоа харид қилиб олган. Шундай бўлгач корхонанинг бир маромда ишлаши, режаларнинг тўла ва ошириб бажарилишидан, аввало, жамоа манфаатдордир.

Корхона бундан икки йил муқаддам очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланди. Албатта, хўжалик юритиш шаклини ўзгартириш осон кўчмади. Лекин, мутахассисларни жалб қилиб, кенг кўламда олиб борилган ишлар ижобий силжишларга олиб келди. Ишчи-хизматчиларда янгиликка қатъий ишонч шакллангач, маслаҳатлашиб, ҳиссадорлик жамиятига айланишга қарор қилинди.

— Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини хўжалик юритишнинг замонга мос усулларидан бири деб ҳисоблаймиз, — дейди корхона директори Маҳмуд Туропбоев. — Жамоамизнинг амалий фаолияти шундан далолат бериб турипти. Бу четдан ҳам инвестиция жалб қилиш имконини берди. Шу туфайли чиқарган акцияларнинг тез орада тўла сотилишига эришдик.

Ҳиссадорлик жамиятида ҳар бири 100 сўмлик 172,5 мингтадан ортиқроқ акциялар чиқарилди. Шунинг 1746 таси имтиёзли эди. Улар бу даргохда ўн йиллан ортиқ меҳнат қилаётган ва фахрий новвойларга бепул берилди. Жамоа аъзолари ўртасида эса 41 минг 399 та қимматли қоғозлар тарқатилди. Яна шунча миқдордагиси ким ошди савдоси орқали четга сотилди. Жорий йил охирига бориб, акциялар учун дивиденд тўлашга киришилади. Ҳозир бу масала бўйича ҳисоб-китоб ишлари олиб борилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти аъзолари бир кеча-кундузда эл дастурхонига ўрта ҳисобда 800 минг сўмлик нон ва нон маҳсулотлари тортиқ қилаяпти. Йил бошидан бери эса унинг ҳажми улгуржи нархларда 142,5 миллион сўмликни ташкил этди. Ҳар куни ками билан 18 хил маҳсулот турлари тайёрланмоқда.

Корхона маъмурияти бозор талабини ўрганиб, янги хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда. Жумладан, кейинги вақтда уларнинг икки турини тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳар куни савдо шохобчалари, касалхоналар, мактаблар ва мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига 100 килограмм макарон етказиб бериляпти. Парҳез нон ҳам тайёрланмоқда. Бундай маҳсулот турларидан кунига талабга қараб 300—400 килограмм ишлаб чиқариляпти. Жумладан, таркибига йод қўшилган парҳез батон нонларидан 100 килограмм атрофида ёпилмоқда. Корхона маҳсулотлари унга қарашли ўн иккита дўконлардан ташқари иккала шаҳарда жойлашган кўплаб савдо шохобчаларига етказиб турилади.

Новвойлар белгиланган режаларни ой сайин ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Унинг сифатини яхшилишга ёрдам берадиган ички имкониятлардан ҳам омилкорлик билан фойдаланишга интилмоқдалар. Шу туфайли маҳсулотлар харидоргир бўлмоқда. Жамоа эришаётган ютуқларда тажрибали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларнинг муносиб ҳиссалари бор. Абдураҳмон, Мукаррама, Ҳамид Мўминовлар, Шерали, Ризвон, Зоҳид Мадумаровлар сулолалари, новвойлар Оқгул Зулфиқорова, Екатерини Комендоценко, чилангарлар Нуриддин Мамажонов, Дониёр Мирзакомилов, Лутфулла Умаров, Ҳамид Мўминовлар шулар жумласидандир. Турли миллат вакилларидан таркиб топган икки юз кишилик байналмилал корхона жамоасининг ишлари умуман тақдирга сазовор. Унумли ва сифатли ишлашдан новвойлар, аввало, моддий манфаат кўрмоқдалар. Дурустгина иш ҳақи, қўшимча устамалар, мукофотлар олишяпти. Ижтимоий муҳофаза ҳам кенгаймоқда. Корхона ҳузурида ишчи-хизматчиларга тиббий ва бошқа маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар ишлаб турипти. Кучли ижтимоий муҳофаза эса уларни янги-янги меҳнат муваффақиятларига руҳлантирмоқда.

Ҳамид МАҲМУДОВ,
Даврон АҲМАД.

СУРАТЛАРДА: корхона бош муҳандиси Ўрол Болтабоев уста Клавдия Хлопатиналар нон сифатини кўздан кечирмоқдалар; новвой Хоним Назарматова иш устида; уста Ира Алабаева ва тахловчи Неъмат Матасиловлар тайёр маҳсулотни жўнатишга ҳозирламоқдалар.

Муаллиф олган суратлар.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақачасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақачасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

МАНЗИЛ ВА МАҚСАДИМИЗ АНИҚ

Мустақилликка эришилгандан кейин биз ҳамма нарсани ақл тарозусида ўлчаб, давлат ва жамият қурилишининг жаҳон тажрибасига суяниб, ўз вазифаларимизни белгилаб олдик. Мустақиллигимизни эътироф этган катта-кичик давлатлар билан ўзаро тенглиги, манфаатли асосда иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатдик. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта тамойилини ишлаб чиқдик ва уни амалга оширишга киришдик. Мустақил жаҳон андозаларига мос давлатимизни қурар эканмиз, халқимиз асрлар давомида эришган буюк маданиятнинг қадриятларини тиклаш, миллий меросимизни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, табиий ва маънавий бойликларга суяниб иш тутдик.

Шарҳловчи минбари

Ҳаёт биз танлаган йўл тўғри эканлигини тасдиқлади. Биз мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари ичида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий бухронлардан беталофат чиқиб олдик, жаҳон халқлари ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топдик. Бугунги кунга келиб кўплаб давлатлар бизга дўстлик ва ҳамкорлик қўлини узатиб турибди.

Яқинда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Известия" газетаси мухбирлари билан суҳбати чоғида юқоридаги фикрларимиз ўз тасдиғини топгандай бўлди.

Юртбошимизнинг россиялик журналистлар қўйган саволларга аниқ ва мазмунли жавоблари, теран фикр-мулоҳазалари, давлат раҳбарига хос салоҳияти мени хайратга солди. Қалбим буюк халқимиз, давлатимиз, доно йўлбошчимиз учун ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошди. Тўрт соатдан ортиқ давом этган суҳбат мазмуни билан танишар эканман, бошқа муштарийлар каби менда ҳам фикр-мулоҳазалар туғилди, ёркин хотиралар ёдимга тушди.

Мақсадсиз фаолият йўқ, манфаатсиз мақсад йўқ, фаолиятсиз эса ҳаёт йўқ. Буюк ақл соҳиблари ўз олдиларига улуғ мақсад қўядилар, қолган одамлар эса ўз истаклари, орзу-ҳаваслари билан ўралашиб қоладилар. Шундай одамлар бўладики, улар сувга тушган хасдек мақсадсиз дунёдан ўтиб кетадилар. Улар жавлон уриб сузмайдилар, оқим уларни олиб юради. Майда ишларга ҳеб берган одам буюк ишларга ноқобил бўлади.

Инсон каби жамият ҳам ўзининг бор кучини ишга солиш учун ўз олдига олийжаноб мақсад қўймоғи керак. Ҳаётдаги мақсад инсон ва жамият қадр-қиммати ва бахтининг асосидир. Халқ турмушини яхшилаш, роҳат-фароғатини тобора ошириш, тинчлик ўрнатиш — барча даврларда доно ва софдил раҳбарларнинг бутун куч-ғайрати мана шу олийжаноб мақсадга қаратиб келинмоқда.

Буюк ватандошимиз Баҳовуддин Нақшбандий "Дил ба ёру даст ба кор" шиорини ташлаб, иқтисодиётни ва маънавиятни юксалтиришга эришганлар. Фақат қайноқ шижоатдан, она юртга бўлган оташин муҳаббатдан, жасурлик ва ғайратдангина улуғ мақсадга эришиш мумкин. Биз меҳнатда суяги қотган, ғайрат-шижоатли халқмиз. Иншоолло, келажаги буюк давлатни, албатта, барпо этамиз.

Ўзимиз ишлаб чиққан ва қатъий амал қиладиган тараққиёт йўлимиз бор. Ҳар қандай "катта оғалар"га муҳтожлик жойимиз йўқ. Турли андозаларга тушиб, оёқ-қўлимизга кишан солмаймиз. Биз дунёвий давлат қуряпмиз. Давлат ва жамият ҳаётида Конституциямизга қатъий амал қилиб келяпмиз. Ўз миллий хусусиятларимизни сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжамияти сафларига қўшилиб, демократияни чуқурлаштириш, мамлакат равнақи сари дадил боряпмиз.

Жамиятда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, тинч-тотувликни таъминлаш учун адолатли қонунлар қабул қилинди, турмушнинг барча жабҳаларида қонун устиворлигига катта эътибор берилди. Биз янги уй қурмасдан туриб, эски уйни вайрон қилмаслик, ақл-заковат билан иш тутиш йўлидан бордик. Янги қонунлар яратилгунча эски қонунларга амал қилиб турдик. Эски тузумдан янги тузумга ўтиш шу шиор остида кечди. Ўзбекистоннинг Россия билан иқтисодий ва маданий алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу борада айрим ижобий ҳолатлар ҳам бўлди, албатта. Лекин Россиянинг туб сиёсатида Ўзбекистонга нисбатан мустамлака, қарамлик сиёсати ҳукмронлик қилди. Бу собиқ Иттифоқ даврида ҳам барҳам топмади. Тўғри, иккинчи жаҳон уруши даврида бир неча завод, фабрикалар Россиядан Ўзбекистонга кўчирилди. Аммо бу ниҳоятда катта салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон саноатида аҳволни барқарорлаштирмади. Аксинча, амалда ҳамма нарса ҳамон ҳомашёни дастлабки қайта ишлаш даражасида қолиб кетган эди. Мустақиллика эришгунимизча миллий даромадимизда саноатнинг улуши атиги 16,5 фоизни ташкил этарди, холос. Биз саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини барпо этишга киришдик. Асакада улкан автомобиль заводини бунёд этдик. Бу замонавий корхона индустриал тараққиётимизнинг қудратли омили бўлиб қолди. Унинг атрофида бутловчи қисмларни етказиб берадиган яна саккизта заводни ҳам қисқа муддатда қуриб ишга туширдик.

Ёки миллий бойлигимиз — пахтани олиб қарайлик. Илгари пахта толасининг бор-йўғи ўн фоизи Ўзбекистонда қайта ишланарди. Қолган қисмлар Россия, Белоруссия, Украинага ташиб кетиларди. Қайта ишлашнинг кейинги жараёнларида фойданинг етмиш фоизини улар олар эдилар. Эндиликда буларга барҳам берилди. Янги иш жойларини яратиш, халқнинг турмуш даражасини яхшилашда бу бойликлар ўзимизга жуда асқотади. Мамлакатимиз аҳолисининг деярли тенг ярми 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг тақдирини ўйлашга бурчлимиз.

Мустақиллик шароитида эришган муваффақиятларимиз залворли ва мустаҳкамдир. Пахта етиштиришда дунёда тўртинчи ўринни эгаллаб турибмиз. Пахта толасини четга чиқаришда иккинчи ўринга чиқиб олдик. Олтин заҳиралари бўйича бешинчи ўриндамиз, уни қазиб чиқариш бўйича еттинчи ўринга чиқиб олдик. Мис ишлаб чиқарадиган дунёдаги ўнта давлат сафидамиз. Уран ва бошқа нодир металлар қазиб чиқаришда ҳам жаҳон миқёсида олдинги марраларда-миз. Шу қадар катта бойликка эга бўлгач, жаҳон бозорларида ўз ўрнимиз ва мавқеимизни эгаллашга ҳақлимиз.

Мустақиллик шарофати туфайли нефть маҳсулотлари, дон соҳасида мустақилликка эришдик. Биз Россия давлати билан мавоза асосида эмас, балки эркин алмаштириладиган валютаси бўлган мамлакат сифатида савдо-сотиқ қилишни истаймиз.

Биз дунёдаги барча эрксевар халқлар, демократик давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатишга, ҳамкорлик қилишга интилаверамиз. Бу ҳаракатлар асло Россияга қарши қаратилган эмас.

Биз шунингдек, Америка Қўшма Штатлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишни ҳеч кимдан сир тутаётганимиз йўқ. Аксинча, йил сайин бу кенг кўламли алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан бир неча кун муқаддам АҚШнинг биринчи хоними Хиллари Клинтоннинг Ўзбекистонга сафари, республикамиз бош вазири Ўткир Султоновнинг АҚШдаги ишбилармон доиралари билан ўтказган учрашувлари фикримизнинг далилидир.

Биз мустақиллик, демократия, озодлик, юртимизда яшаётган барча кишилар учун муносиб турмушни яратиб бериш, тинчлик, ҳамжиҳатлик йўлини танлаганмиз ва бу йўлдан оғишмай олға қараб бораверамиз.

Президентимизнинг хорижлик журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатларида ҳам ўз йўлимизнинг устувор йўналишлари ва бу борада эришилаётган натижалар яна бир бор чуқур очиб берилди.

Анвар КАРИМОВ.

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ТАҚДИРИ КИМ ҚЎЛИДА?

Вилоятимиздаги хусусийлашган, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган чорвачилик фермаларида аҳвол қандай

Шу йил республика Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланиб ўтказилган йиғилишда деҳқончилик, хусусан, чорвачилик тармоқларида меҳнат қилаётган тадбиркор ва ишбилармон фермерлар билан бир қаторда сигирнинг қаёғидан келиб, қаёғидан соғишни билмайдиган "фермерлар" ҳам бор эканлиги, ҳақиқатан ҳам дастлабки пайтларда уларни танлаш ва тайинлашда шошқалоқликка йўл қўйилганлиги, оқибатда бугунги кунга келиб улар ишни барбод этганликлари афсус билан қайд этилди.

Йиғилишда айтилган бу гаплар, мулоҳазалар, танқидлар ҳеч сўзсиз бизнинг вилоятимизга ҳам тааллуқлидир. Мухбиримиз туманларда бўлганида, жумладан, Қибрай туманида ишлар анча дуруст кетаётганлиги, бироқ, вилоятдаги айрим хусусий фермаларда аҳвол ғоят ачинарли эканлигининг гувоҳи бўлди.

1. Иш деган бундоқ бўпти

Дарҳақиқат, баъзида деҳқон-фермерлар, айниқса, хусусийлашган чорвачилик фермалари ҳақида гап кетганда "эгасини топипти" ёки бўлмаса, "эгасига тушмапти" деган мулоҳазаларни эшитамиз. Шундай пайтда ўйланиб қоласан киши. Ўзи мулк эгаси, дейлик, чинакам фермер қандай одам бўлиши керак? У, албатта, мутахассис ва олий маълумот эгаси бўлиши шартми?! Бундай десак, ҳатто, иккита-учта олий ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида ҳужжати бўлатуриб ҳам ишни эплай олмаётганлар бор-ку! Аслида илмсевар одамнинг мутахассис бўлганига нима етсин, лекин, ўқимаган бўлса ҳам уққан бўлсачи?! Танлаган касбига, ишига нисбатан ихлоси, меҳри устунлик қилса, ана шунда бундай инсондан кўп фойдали ишларни кутса бўлади. Қибрай туманидаги хусусийлашган "МАЛИК" чорвачилик фермасининг фермери Абдужаббор Нурматов ана шундайлар тоифасига киради. У ҳозиргача бўлган ҳаётининг кўп қисмини турли корхона ва ташкилотларда таъминотчилик билан ўтказди. Маълумоти ўрта, лекин, чорвага ишқи тушган экан, фермер бўлишни ихтиёр қилди. Имконият бўлган эди, 1994 йил баҳорида "Қибрай" жамоа хўжалигига қарашли чорвачилик фермасида ҳиссадорлар бошлиғи бўлиб ишлай бошлади. Аҳвол эса ниҳоятда ночор эди. Мавжуд 178 бош соғин сигирдан ўша пайтда ўртача 4-5 литрдан сут соғиб олинарди.

Ҳисадорлик фермасига "Малик" деб ўғлининг номини қўйди. Кўнгли кўтарилиб юрсин, деди. Лекин, орадан кўп ўтмай, қипқизил ғалвали ишга қўл урганлигини сезди. Чунки, фермада тартиб-интизом йўқ, кўп мулк воситалари талон-торож қилинган эди.

— Энди бундан буён, — деди Абдужаббор ҳиссадорларни йиғиб, — ҳар биримиз тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилган ҳолда ишлаймиз.

Айримлар бу гапни маъқуллашди, айримларга ёқмади. Кимларга ёқмаганлигини Абдужаббор билиб олди.

Лекин, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, ферма мулкини талон-торож қилиш, мол-холни далага ҳайдаб қўйиш билан тирикчилик ўтказишга одатланиб келганлар Абдужаббор ўрнатган тартиб-қоидага кўнишмади. Бундайлар билан қаттиқроқ гаплашиб олишга тўғри келди. Бу орада улар қўпорувчилик ҳам қилдилар. Ғарамлаб қўйилган 90 тонна пичанни ёқиб юбордилар. Абдужаббор билдики, уларга яхши гап кор қилмайди, ади-бади айтиб ўтириш бефойда. Бир айтди, икки айтди, бўлмади. Улар, ҳатто, ҳуқуқ органларига Абдужаббор устидан шикоят ҳам қилдилар. Лекин, Абдужаббор бўш келадиганлардан эмасди. У тартиббузарларнинг айбларини рад этиб бўлмайдиган ҳужжатлар билан исботлаб берди. Ана шундан сўнг улар тан беришга мажбур бўлдилар. Шу тариқа у икки йил курашди ва ҳақ бўлиб чиқди. Ниҳоят фермада тартиб-интизом қарор топди. Илгари 35 киши меҳнат қилган бўлса, уларнинг сони бештага қисқарди.

Фермер фермани бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам мутахассис эканлигини яхши тушунарди. Шунинг учун уларни танлашга шошилмади. Олий маълумотли зоотехник Усмонқул Раҳмонқуловни ферма мудирлигига таклиф қилди. У янглишмаган эди. Шу тумандаги собиқ "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Дўрмон") жамоа хўжалиги фермасида 40 йил ишлаб, катта обрў билан нафақага чиққан Тўхтамиш Музаффаровни яна қайтариб, мол дўхтирлигига тайинлади. Тўхтамиш ака аввалига шунча ишлаганим бўлар, бошимни қотириб нима қиламан, деди. Лекин, бир томондан хурсанд ҳам бўлди. Мени яхши билганлиги ва керакли эканлигимни ҳисобга олиб, таклиф қиляпти-да, кўнглида кири йўқ экан, унга ёрдам берганим бўлсин, деди. Оиласи билан ишга киришди. Аёли сут соғувчилик қила бошлади, ўғли мол боқа бошлади.

Сут соғувчиларни ҳам обдон синади. Иш бермайдиганлари бор экан. Бахридан ўтди. Фермер жамоа манфаати йўлида ҳеч кимни аямаслигини ҳис қилган бошқа "ғаламис"лар ўз-ўзидан "тинчиб" қолишди. Ферма иши астасекин силжий бошлади.

— Илгари соғиб оладиган сутимизнинг ҳам, оладиган ҳақимизнинг ҳам тайини йўқ эди, — дейишди сут соғувчилар. — Ҳозир эса ойига 3,5-4 минг сўмдан ошириб маош оляпмиз.

Айни ёз пайтида бу ерда 180 бош соғин сигирдан кунига 1400 литрдан сут соғиб олинган бўлса, ҳозирги пайтда 900—1000 литрдан сут соғиб олинмоқда. Бу ҳар бош сигирга ўртача саккиз литрданга тўғри келади. Ҳар бош сигирга 12 озуқа бирлигидаги емиш едирилаётганлиги учун ҳам ана шундай кўрсаткичга эришилмоқда.

Ажратиб берилган экин майдонларидан унумли фойдаланилаётганлиги туфайли чорвани тўйимли озуқа билан таъминлаш мумкин бўлаётир. 127 гектар бедазор тўрт марта ўрилди, 120 центнердан пичан жамғарилди ва майдаланиб, ғарамга бостириб қўйилди. 10 гектар маккажўхоридан 70 тонна дон олинди, ферманинг ўзига тегишли тегирмонда ёрма қилиниб, заҳирага қўйилди. Лавлагининг ҳар гектаридан 500—600 центнердан олишди. Бунда тажрибали деҳқонлар — дала бригадири Абдужаббор Жонибеков ва ҳосилот Ўскан Тўхтаназаровларнинг хизмати каттадир.

Шундай қилиб, қишловга етиб ортадиган озуқа: 450 тонна хашак, минг тонна силос, 250 тонна лавлаги ва бошқа озуқалар жамғариб қўйилди. Лекин, фақат ўзларидан, даладан чиқаётган озуқага қараб қолаётганлари йўқ. Абдужаббор уёққа-буёққа қатнаб, мутасаддиларга учрашиб, вақтивақти билан аралаш озуқа, шелуха, кунжара ҳам ундириб келади. Бу катта "мадор" бўлмоқда. Ўтган йили жамғарилган озуқаларнинг қишловдан ортиб, бошқа хўжаликларга 140 минг сўмлик ем-хашак сотилганлигининг боиси ҳам шунда. Яна бир муҳим омил шуки, бу ерда жамғарилган ем-хашаклар йил-ўн икки ой ферманинг қайта ишлаш цехида ишловдан ўтказилиб, турли хил витаминлар билан бойитилиб, сўнг молларга берилмоқда. Бу ишда узилиш бўлишига сира ҳам йўл қўйилмайди. Агарда 1995 йилда ҳар бош соғин сигирдан бор-йўғи 5-6 литрдан сут соғиб олинган бўлса, 1996 йилга келиб у 7,5 литрга кўтарилди. Бу йил эса саккиз литрданга тўғри келмоқда.

Лекин,ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бу кўрсатич фермани асло қаноатлантирмайди. Унинг айтишига қараганда молларнинг зоти яхши бўлгани билан уларнинг тенг ярми қариб қолди, янгилаш керак. Бунинг учун ўз имкониятларимиздан фойдаланиб, сира четдан зотли моллар олиб келишга умид қилмаймиз. Чунки, ўзимиздан чиққан айрим ғунажинлар бор. Улар биринчи бузоқлаган йили ҳатто 20-22 литрга етказиб сут беряпти. Ана шундай ғунажинларни асраб-авайлаш, уларни кўпайтириб бориш эвазига сигирлар подасини бора-бора наслдор моллар ҳисобига тўлдириб олиш имконияти бор. Аслида-ку, агарда, ривожланган мамлакатлардаги чорвадорлар тажрибасини қўлланадиган бўлсак, ўн литр сут берадиган сигирларнинг емиши алоҳида, 15 литр — 20 литр берадиганларники ҳам алоҳида-алоҳида бўлиши керак. Лекин, ҳозирча бизда бунга имконият йўқ. Лекин, барибир шунга қараб боришимиз керак. Ҳозир фермамизда сара ғунажинлардан 120 таси бор. Улар соғин сигирлар қаторига қўшилгач, 11 литрдан кам берадиган сигирларни ушлаб турмоқчи эмасмиз.

Фермерга кўплар савол беришади. Нега сутни қайта ишлаш цехини ташкил қилмайсиз? Ниятимиз йўқ эмас, деб у жавоб беради шунда. Ҳозир тумандаги "Турон" жамоа хўжалиги базасида исроилликлар билан ҳамкорликда сутни қайта ишлайдиган қўшма корхона ташкил этиляпти. Бу корхонага беш-олти хусусийлашган фермерлар жамланиб, ҳиссадор бўлиб қўшилишади. Эҳтимол, биз ҳам бу ишдан четда қолмасмиз. Ана шунда маҳсулотимизни ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган қилиб қайта ишлаш имконияти бўлади. Ҳозирча эса биз соғиб олаётган сут хонаки цехларда қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Фермер бу цехларнинг моҳиятини шундай тушунтирди. Яқин атрофдаги юзга яқин хонадон соҳиблари билан шартнома тузилган. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, баъзилар 40, баъзилари 50 литр янги соғиб олинган сутни фермадан келишилган нархда олиб кетиб, ўз уйларида қайта ишлаб, сут, қатиқ, қаймоқ, сузма қилиб, мижозларга етказиб беришади ва шу ҳисобга ўзлари ҳам фойда олишади, ҳам фермада соғиб олинган сут узоқ туриб қолмайди. Бозор иқтисоди талаблари асосида ишлаш деб ана шунга айтадилар-да.

2. Хомталаш

Ҳаётда баъзан инсоннинг бепарволиги, масъулиятсизлиги, ўта лоқайдлиги сабабли унга ишониб топширилган моддий бойликларни совуриш, талон-тарож қилиш билан боғлиқ аянчли ҳолатлар рўй берадики, уни кўриб, билиб, фақатгина ақли расо одамларгина эмас айтишларига қараганда, ҳатто, маймунлар ҳам кўз ёши қиларкан! Эҳтимол, ҳолига маймунлар йиғлайди, деган нақл шундан келиб чиққандир.

ПСКЕНТ туманидаги Ҳакимполвон Қодиров номли жамоа хўжалиги собиқ фермасидаги манзарани кўриб шундай хулосага келдик.

Аввало фермани ҳозирги куйга солиб қўйганлар ҳақида икки оғиз сўз. Мана, қаранг. Биз тилга олаётган ферма 1994 йилда Қўзибой Пўлатов томонидан хусусийлаштириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантириб олинганида 425 бош қорамол бўлиб, шундан 185 таси соғин сигир эди. Қўзибой ундай қиламан, бундай қиламан, ферманинг ишини, мана кўрасизлар, юриштириб юбораман, деб ваъда берган эди. Лекин, у чучварани хом санаганди. Тўғри, чорвани етти хазинанинг бири, дейдилар. Аммо жонидан, оромидан кечмаган одам бу хазинани бойитиш ўрнига уни совуриб юбориши ҳеч гап эмас! Қўзибойда шахсий манфаат эл-юрт манфаатидан устун келди. У ўзича ҳаракат қилгандек бўлди-ку, лекин уддасидан чиқолмади. Ферма оёққа туриш ўрнига кескин орқага кета бошлади.

— Оғайни, сен эпполмадинг, — деб айтишди унга келгуси йили.

Бу маҳалда чорванинг бош сони анча камайиб, маҳсулот топшириш ҳам оқсаб қолган эди. Шундан кейин "бизда, қойил қиладиган" деб, Марат Орипов талабгор бўлиб чиқди. Лекин, иккинчи қўлга ўтгандан кейин ҳам ферма ўнгланмади. Аксинча орқага кетиши яна ҳам тезлашди. Унинг даврида ферма бутунлай чўкиб қолди... 1996 йил якуни бўйича чорвачиликдаги хатолари учун Орипов ҳам ишдан олинди ва ферма учинчи қўлга — Миролим Йўлдошевга ўтди. Миролим асли деҳқон-фермер. Салкам 20 гектардан ортиқ майдонда деҳқончилик қилади. У ишни эплайдими, йўқми, буни вақт кўрсатади. Ҳозирча эса...

Биз ўша куни фермадаги умумий аҳвол ҳақида маълумот олмоқчи бўлиб, на жамоа хўжалигидан ва на бошқа жойдан бирор масъул одамни тополмадик. Ноилож фермага қараб йўл олдик. Бу маҳалда кун пешинга яқинлашиб қолган эди. Лекин не кўз билан кўрайликки, ферманинг туртворсангиз қулай деб турган дарвозаси танбалаб қўйилган, унинг ёнидаги қоровулхона эшиги ҳам қулфлоғлиқ эди. Дарвоза тирқишидан ичкари мўраладик. Ёнатрофда моллар юрипти. Зора, мудир келиб қолса, деб кутиб турдик. Бир вақт трактор минган бир йигит келди. У Миролимнинг укаси Мирқосим эди.

— Акам Янгийўлга ем олиб келишга кетганлар, — деди у, — ишларингиз бўлса, айтаверинглар.

Сўнг у дарвозани очди.

Ичкарига кирдик. Кўз ўнгимизда ғоят ачинарли манзара намоён бўлди. Қоровулхонанинг эшикдеразалари нураб турипти. Ферма ҳовлисининг чап томонига кўзимиз тушди. У ерда йигирма чоғлиқ ҳар хил техникалар чиқитга чиқарилиб, қалашиб ётипти. Уларнинг орасида маккажўхори, беда ва бошқа озуқа экинларини ўрадиган комбайнлар ва бошқа техникаларнинг турли хил қисмлари бор. Ўнг томонга назар ташладик. Бир вақтлари фермага чирой ва ҳусн бахш этиб турган мевазордаги дарахтлар ичида 10-15 бош мол емиш излаб юрипти. Айримлари эринибгина дарахтларнинг пўстлоғини шилиб еяпти. Сал нарироққа юрдик. Бу ерда бир вақтлари мажлислар, йиғинлар ўтказиладиган шийпон бўлгучи эди. Ундан асар ҳам қолмаган. Йўлда юришда давом этамиз. Нарироқда икки-уч йигит похол ғарамлаяпти. Моллар уларнинг атрофида ўралашиб юрипти.

Мирқосимни акасининг ўрнига гапга тутамиз. Унинг айтишига қараганда фермада борйўғи 22 бош мол бор экан. Шундан учтаси новвос, қолганлари соғин сигирлардан иборат. Улардан атиги биттаси соғилиб, кунига аранг икки-уч литр сут олинаркан. Қолганлари бир эмчак, икки эмчак бўлиб ишдан чиққан.

Биз чиқитга чиқариб қўйилган техникаларни эслатамиз.

— Эпақага келтирса бўладиганлари ҳам бор. Уни бир уйга олиб бориб қулфлаб қўйибмиз, — дейди Мирқосим.

— Ҳозир фойдаланилаётган техника борми?

— Фермани юриб турган битта трактор билан қабул қилиб олган эдик, — дейди у. — Лекин, эртасига собиқ мудир келиб унинг ҳам моторини ечиб олиб кетди. Ўзимнинг нақд пулимга сотиб олганман, деди. Уйига олиб бориб қўйди. Бериб туринг десак, битта сигирга алмашаман, деди. Қаранг-а, шунча молни ебичиб, талон-торож қилгани етмаган экан. Очкўзлик ҳам эви билан-да.

Уёқ-буёққа кўз югуртирамиз. Ферма бинолари томларининг шифери йўқ. Дераза ойналари тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Мирқосим алам билан гапирарди. Собиқлар бино устидаги яроқли шиферларни ҳам кўчириб олиб кетишибди. Қўлга илинадиган нарса борки, қўйишмабди.

— Жамоа хўжалиги раҳбарлари ёрдам беришмайдими?

— Бе, қаёқда дейсиз, — дейди Мирқосим. — Яқинда жамоа хўжалиги раҳбари келиб ёрдамчиларга сўйиб берамиз, деб битта сигирни олиб кетди. Нарироқда турган, похол ғарамлаётган йигитни гапга тутамиз. У ҳозир гаражда ишларкан. Бу ерга ёрдамга келибди. Ўзини Абдумўмин Абдураимов деб таништирди. Айтишига қараганда 80-йилларда фермада ишлаган экан.

— Ўша пайтда, — деб эслайди Абдумўмин, — фермада 700 га яқин мол боқиларди. Ҳар бир сигирдан кунига ўртача 7—8 литрдан сут соғиб олинарди. Бу ерда вилоят бўйича чорвадорларнинг йиғилиши, семинар-кенгашлар ўтказилар, ферманинг тажрибаси ибрат қилиб кўрсатиларди. Ҳозир эса, мана, ўзларингиз кўриб турибсизлар...

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Абдумўминнинг ачинанича бор. Суриштириб билсак, уч ойдан бери ферма бирон килограмм ҳам маҳсулот топширмас экан.

Абдумўмин яна эслайди.

— Ферманинг дурустгина боғи бор эди. Боғдан олинадиган маҳсулотларни сотиб, пули ферманинг эҳтиёжига ишлатиларди. Ҳозир бу боғ қаровсиз ва яроқсиз ҳолга келиб, мол боқиладиган яйловга айланибди.

— Энди нима қилмоқчисизлар, — деб сўраймиз Мирқосимдан.

— Фермани ўнгламасак бўлмайди, — дейди у. — Акам шунинг ҳаракатида юрибдилар. Хашак ғамлаяпмиз. Янгийўлдан уч тонна ем олиб келиб қўйдилар, яна олиб келмоқчилар. Уларнинг айтишига қараганда новвос боқиб, сотиб пулига янги ғунажинлар оларканлар.

Бу ҳам тўғри, эҳтимол Миролимнинг бошқа режалари ҳам бордир. Уша куни у билан учраша олмадик. Лекин, бизнингча, сут бермайдиган, бекорга озми-кўпми озуқани "текинга" ед ётган сигирларнинг нима кераги бор?! Уларни аллақачоноқ гўштга топшириб, ўрнига сут берадиган сигирлар сотиб олинса бўлмасмиди? Бу фикримизни мутахассислар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Ҳа, шошилиш керак, тезроқ бирон чора ва тадбир ўйлаб кўриш керак. Бўлмаса, яқин-ўртада ферма бутунлай инқирозга юз тутиши мумкин.

Биз ана шундай нохуш кайфият билан фермадан қайтдик.

Йўл-йўлакай ўйлаймиз. Қандай масъулиятсизлик, қандай ноинсофлик бу! Бир вақтлари бутун вилоятга, қолаверса, республикага донғи кетган фермадан ном-нишон қолмабди-ку. Ана, сизга фермани хусусийлаштириб олиш чоғида қоп-қоп ваъдалар берган "ишбилармон"лар, "тадбиркорлар"нинг "кашфиётлари", уларнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги Президентимизнинг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга татбиқ этишга бўлган муносабатлари, дунёқарашлари! Яна ўйлаб ўйингга етолмайсан киши. Наҳотки ферма адойи-тамом бўлгунга қадар жамоа хўжалиги раҳбарлари, қолаверса, туман мутасаддилари ҳеч нарсани кўрмагандек, у ердаги аҳволдан хабарлари йўқдек, томошабин бўлиб қараб турган бўлсалар?!

Афсусланарлиси шундаки, бундай аянчли аҳвол тумандаги бошқа фермер хўжаликларининг аксариятига ҳам хосдир. Бир вақтлари Охунбобоев номли жамоа хўжалиги фермасининг довруғи довон ошган эди. Ҳозир бу ферма ҳам ночор аҳволга тушиб қолди. Умуман, туман бўйича ҳар бош соғин сигирдан олинаётган сут бор-йўғи икки-уч литрга тўғри келаётганлигининг ўзи ҳам бу ерда чорвачилик, фермерчилик ҳаракати ўта ночор ҳолда эканлигидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам аҳвол ачинарли, деб айтишди туман мутасаддилари. Биз буни кўриб-билиб турибмиз. Ҳозир барча хусусийлашган ферма хўжаликларида махсус комиссия текшириш ишларини олиб бораяпти. Уларнинг сарагини сараккa, пучагини пучакка чиқарамиз, тегишли чоралар кўрамиз, дейишяпти.

Мутасаддиларнинг айтишларига қараганда Ҳакимполвон Қодиров номли жамоа хўжалигидаги аввалги икки фермер жавобгарликка тортилган. Лекин қамаш, жазо бериш билан ўрни-таги йўқ бўлиб кетган фермаларни қайтадан тиклаб, моллар билан тўлдириб бўлмайди-ку! Бизнингча, бошқача йўлдан бориш керакка ўхшайди. Энг муҳими, мавжуд фермаларни текшириш жараёнида уларга эгалик қила оладиган кадрларни топиб мустаҳкамлаш ва амалий ёрдам бериш керак. Ана шундагина чорвачиликни юксалтириш мумкин бўлади.

Биз бу борада туман мутасаддиларининг аниқ фикр-таклифларини, кўрадиган чора-тадбирларининг асл моҳиятини билишни истардик.

3. Йўл битта

Мен вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Собир Асқаров билан учрашиб, уни юқоридаги мақолаларнинг матни билан таништирдим ва суҳбатлашдим.

— Республикамизда мулк ўз эгасини топиши керак, деб бекорга қайта-қайта айтилмаяпти, — деб сўз бошлади Собиржон ака, — мана, сиз ҳақиқий мулкдор кўп ажойиб ишларга қодир эканлигини ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилибсиз. Ўша сиз ёзган Абдужаббор акани мен ҳам яхши биламан. Асли касби ҳайдовчилик. Буни қарангки, чорвага ҳам ишқибоз экан, фермер бўлгач, амалда чорва ҳақиқатан ҳам етти хазинанинг бири эканлигини исботлаб кўрсатаяпти. Ўзини ўтга, чўққа уриб бўлса ҳам аввало фермада қаттиқ тартиб ва интизомни ўрнатди, оқибатда дурустгина маҳсулот, фойда ола бошлади. Бундай чорвадор-фермерлар туманда кўпчиликни ташкил этади.

Пскентдаги Ҳакимполвон Қодиров номли жамоа хўжалиги фермасидаги аҳвол эса бутунлай тескариси. Ғоят ачинарли ва айтиш мумкинки, даҳшатлидир. Афсуски, бу ҳол мазкур тумангагина эмас, вилоятдаги кўплаб хусусийлашган, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган фермаларга ҳам хосдир. Аввал тумандаги аҳволни кўрайлик. Бу ерда 11 та хусусийлашган ферма бўлиб, уларда бор-йўғи 435 бош сигир қолган. Аввалги йилдагига қараганда 642 бош камайиб кетди. Ҳар бир сигирдан кунига ўртача икки-уч литр сут соғиб олинмоқда. Эчки ҳам бунчалик сут бермайди-ку! Вилоят бўйича кўрсаткичларни оладиган бўлсак, кишини яна ҳам ўйга толдиради: ҳаммаси бўлиб 141 та хусусийлашган, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган ферма бор. Хусусийлаштириш жараёнида бу фермаларда 18 минг 829 бош сигир бор эди. Бугунга келиб бу сигирлар бош сони тенг ярмига камайиб кетди. Кошки эди ана шу сигирлардан риоладагидек сут соғиб олинаётган бўлса. Йўқ, ундай эмас. Ўтган ўн ой давомида бу фермаларда ҳар бош сигирдан ўртача 1869 килограммдан сут соғиб олинди. Бироқ, Оққўрғон туманида бу кўрсаткич бор-йўғи 304 килограммни, Бекободда 376 килограммни, Бўкада 518 килограммни, Бўстонликда 615 килограммни, Қуйичирчиқда 671 килограммни, Оҳангаронда 589 килограммни ташкил этди. Мазкур туманлардаги айрим фермаларда мавжуд сигирлардан кунига аранг уч-тўрт литрдан сут соғиб олинаётган бўлса, айрим фермаларда умуман бир килограмм ҳам маҳсулот топширилмаяпти. Агар сиз мазкур фермаларнинг бошлиқлари билан мулоқотда бўлиб, аҳвол нега бунчалик ночор бўлиб қолди, деб сўрасангиз турли баҳоналарни рўкач қилишади: ажратиб берилган ер камлик қиляпти, озуқа етишмаяпти, бунинг устига ўрим техникаларидан қийналяпмиз. Даромад қилолмаяпмиз, натижада одамларимизга ойлик топиб беролмаяпмиз, баъзида маҳсулот бермай қўйган молларни сўйибсотиб тирикчиликка ишлатишга мажбур бўлмоқдамиз ва ҳоказо. Юзаки қараганда бу баҳоналар ўринлидек, уларда жон бордек туюлади. Лекин масалага ҳозирги куннинг нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак-чи! Чунки биз бутунлай янгича, бозор иқтисоди шароитида яшаб, меҳнат қиляпмиз-ку! Бозорнинг ўз қонун-қоидалари, талаблари бор. Нега буни ҳисобга олмаймиз?! Ҳеч кимга осон тутиб бўлмаслигини нега билмаймиз. Бизнингча, бўлар-бўлмас баҳоналардан боқимандаликнинг ҳиди келмаяптими? Фермаларни хусусийлаштириб олган биродарлар, бошида нимани ўйлаб, нимани хомхаёл қилган эдинг-лар? Ана энди менга худо берди, бу ёғини нима қилсам, ўзимнинг ишим, деб чучварани хом санаган экансизлар-да!

Маълумки, фермалар, у ердаги моллар-ўтехника, асбоб-анжомлари билан биргаликда жамоа хўжалиги аъзолари мулки ҳисоблаб келинган. Сотилгани, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани билан, токи қарзни тўлаб бўлмагунча у жамоанинг мулки ҳисобланади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, барибир, у хўжалик раҳбарининг эътиборида, назоратида бўлиши шарт. Шундай йўл тутилган хўжаликлардаги хусусийлашган фермаларда аҳвол ҳар ҳолда яхши. Бунга ҳар бир тумандан мисоллар келтириш мумкин. Афсуски, беш қўл баробар эмас экан. Хўш, унда иллатнинг илдизи, ўзаги нимада? Бизнинг назаримизда биринчи иллат ҳақиқатан ҳам кўп жойларда мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топмаганлигидадир.

Иккинчи иллат. Кўпгина пахтакор туманларда хўжалик раҳбарлари чорвани оғизда етти хазинанинг бири, зарбдор тармоқ, деб гапирсалар-да, амалда бу соҳага етарли эътибор бермас, ўгай кўз билан қарар эдилар. Шунинг учун ҳам уларда чорва зиён келтирарди. Бу зиённинг ўрнини эса етакчи тармоқ пахтачиликдан келадиган даромад билан қоплар эдилар. Шу туфайли улар очиқ айтмасалар-да, чорвани пахтага тушган зарпечак, деб ҳисоблардилар. Фермаларнинг хусусийлаштирилиши эса бундай кайфиятдаги ношуд хўжалик раҳбарлари учун айни муддао бўлди. Улар қутилганимизга шукур, деб фермани шошапиша сотишга киришдилар ва чорва учун жавобгарликни ўз бўйниларидан бутунлай соқит қилдилар. Жамоанинг мулкини кимга, қандай одамларга топшираётганликлари ҳақида кўп ҳам мушоҳада қилиб ўтирмадилар, янглишдилар. Бор, билганингни қил, ўз аравангни ўзинг тортавер, деб чорвага бутунлай қарамай, ёрдам бермай қўйдилар. Боз устига кўп жойларда фермага ҳосилдор ерларни ажратиб бериш ўрнига сув чиқмайдиган, қаровсиз ерларни бердилар. Баъзилар эса ҳатто ана шу ерни беришни ҳам раво кўрмай, бу ишни пайсалга солдилар. Бу билан фермада ишларнинг олиб борилишига жонли тўсиқ бўлдилар. Жуда кўп фермерлар эса ўзларининг уқувсизликлари, бўшангликлари, тадбиркорлик илмидан бехабарликлари учун бу тўсиқни енгиб ўтишга ожизлик қилдилар. Оқибатда бирин-кетин инқирозга учрай бошладилар.

Учинчи иллат. Айтилавериб меъдага тегиб кетган гапни яна қайтаришга тўғри келади: мустаҳкам озуқа базаси бўлмас экан, чорвани ривожлантириш соҳасида қилинадиган барча уринишлар беиз, бесамар бўлаверади. Маълумки, фермалар хусусийлашмасдан олдин хўжаликда мавжуд молларнинг бош сони ҳисобга олиниб, эҳтиёж ўрганилиб, шунга яраша иложи борича кўпроқ майдонларга озуқа экинлари экиларди. Хусусийлашгач эса фермонга мувофиқ фермалардаги ҳар бир шартли қорамол ҳисобига 0,33 сотихдан ер берилади ёрдамга бўлди. Бунда ердан ниҳоятда самарали фойдаланиш вазифаси қўйилди. Тадбиркор, деҳқончилик илмидан озми-кўпми хабардор чорвадор фермерлар ҳақиқатан ҳам ана шу ерлардан унумли фойдаланиб, баракали озуқа олиб, чорва молларини етарли емиш билан таъминладилар. Улар ҳар гектар бедадан 200-250 центнердан пичан, 70—80 центнердан маккажўхори дони, 500-600 центнердан лавлаги ҳосили олмоқдалар ва молларнинг маҳсулдорлигини оширишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Лекин бундай фермерлар бармоқ билан санарлидир. Оқибатда вилоят бўйича хусусийлашган, ҳиссадорлик фермаларига ажратиб берилган 10 минг 230 гектар ердан оқилона фойдаланиляпти, деб айтиб бўлмайди. Учинчи иллат ана шундадир. Яна бир сабаб шундаки, аксарият чорвадор-фермерлар ҳосилдор ерлар ажратиб берилган бўлишига қарамай бу ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланмоқдалар. Харидоргир, ўз чўнтакларига пул бўлиб тушадиган экинлар экмоқдалар. Нега энди? Сен чорвадор-фермермисан, шундай бўлгач, ажратиб берилган ерга фақат чорва учун озуқа экини экиш шарт! Нега қуюшқондан чиқиб кетиляпти? Бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Шу ўринда бизга, туман ҳокимларига, сизлар, мутасаддилар қаёққа қараяпсизлар, деб савол беришлари ўринли, албатта. Агар ҳақиқатан ҳам ҳар бир туманда ҳоким қишлоқ хўжалигининг ҳар бир соҳасини тенг кўриб, чорва билан ҳам астойдил қизиққанида эди, ана шу салбий ҳолатларнинг олди олинган бўларди. Албатта, бунинг учун у чорвага меҳр қўйган бўлиши керак. Агарда мутахассис бўлса нур устига аъло нур бўларди. Қибрай тумани ҳокими фаолияти бунга мисолдир. Ҳокимнинг асли мутахассислиги чорвадор эмасми, у кўпинча ўз иш фаолиятини чорвадаги аҳволни таҳлил этишдан бошлайди. Ўзи эринмай фермаларда бўлади, эришилаётган натижаларни, қилинаётган ишларни таҳлил этади, амалий ёрдам кўрсатади. Тошкент тумани ҳокимлиги ҳақида ҳам ана шундай гапларни айтиш мумкин.

Энди вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги мажмуаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидаги чорва учун масъул бўлган мутасаддиларнинг мадади, кўмаги, хизмати, амалда ёрдами тегяптими? Бизлар ҳам баҳоли-қудрат ҳаракат қиляпмиз. Жойларда тез-тез бўляпмиз. Камчиликларни шу жойнинг ўзида аниқлаб, сабабларини биргаликда ўрганамиз, уни тузатиш, аҳволни ўнглаш бўйича маслаҳатлар берамиз. Ачинарлиси шундаки, бу маслаҳатларни эшитиб маъқуллайдилар, албатта, ҳисобга оламиз, дейдилар. Лекин ўз билганларидан қолмаяптилар.

Гап гапни чақиради. Тармоқни ортиқ бундай аҳволга ташлаб қўйиш инсофданми? Жамоатчиликнинг йиллар давомидаги меҳнати эвазига топилган маблағ ҳисобига келган мулк ўз-ўзидан совурилиб кетаверадими? Чорванинг қолган қисми ҳам йўқ бўлиб кетиши керакми? Лоақал ана шу борини сақлаб қолиш учун бундан буён нима қилиш керак?

Сир эмас, фермаси хусусийлашган ерлардаги баъзи бир чорвадорлар "бизни хўжаликка қайтариб олинглар", деб айтишяпти. Лекин бу мумкин эмас. Фермонга зид иш тутган бўламиз. Орқага қайтиш йўқ. Йўл эса битта. Фермани сотиб олган фермер ишни эплайолмаётган, барбод қилаётган экан, ундан кўрилган зиённи ундириб олиш ва сўнгра фермани ким ошди савдоси орқали узоқни кўра биладиган, иложи бўлса мутахассислиги бўлган бошқа тадбиркорга сотиш керак. Лекин шунда ҳам барибир хўжалик раҳбари бу фермани ўз оталиғига олиши ва у туман, вилоят мутасаддиларининг қатъий назорати остида иш олиб бориши талаб этилади. Ана шу йўл билангина юқорида айтилган иллатларнинг илдизига болта уриш ва аҳволни яхшилаш, бор молларни сақлаб қолиб, уларни яхши парваришлаб, маҳсулдорлигини ошириш, демакки, аҳволни яхшилашга эришиш мумкин бўлади.

Носир РИХСИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг шарҳловчиси.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

КУБРОГНОГМА

ТЎРТИНЧИ ҲАЙРАТ

Ким яшаса софу покдомон,
Таъзимдадир унга Ер, Осмон.
Умри қолур нурдек чароғон.
Авлодлари ёд этиб ҳар он
Дуо айтиб ўтар оламдан.
Ёвузларга эрк бермайди у,
Фисқ уруғин ҳеч термайди у,
Бад йўллардан ҳеч юрмайди у,
Яхшиликка ҳеч тўймайди у
Ҳасадгўйлар ўлар аламдан.
Қалбин кўзи очиқдир мангу,
Давлат, амал сололмас қутқу.
Унинг иши — заминга қайғу —
Юрагида энг эзгу туйғу!
Ёнар ибрат олиб минг шамдан.
Ёғйларни қилур каромат,
Ўзи курбон, эли саломат.
Кўкси қалқон келса гар офат.
Шиоридир мардлик ва ҳиммат
Юрт бошига иш тушган дамда.
Унга аён яхшию ёмон,
Унга аён фитнаю фиғон.
Унга аён қай сўнгги макон
Қайси ерда беражакдир жон,
Халос бўлиб ташвишу ғамдан.
Куброга ҳам бўлганди аён.
Бир кампирга этганди баён:
"Қайда бўлмай, кетсам гар қаён.
Ёдингда тут, азиз онажон
Шул дарахт бош эгур жоламдан"
Авлиёлар, сизларга таъзим,
Яшамайсиз ҳолати разм.
Элим дея айлайсиз жазм.
Қалбингиз кенг, дарёи азим
Олов сўз-сиз томган қаламдан.

ТЎРТИНЧИ ИБРАТ

Боғча эди худди чамандай
Дарахтлари шамшоддай адл.
Ғимирларди эрта кеч тинмай
Кекса кампир ғайратли дадил.
Шайх Нажмиддин айлаб зиёрат.
Кирди бир кун кампирни йўқлаб.
Мафтун боқди боққа бир фурсат.
Бир зум боқди ошкора суқ-ла.
Беҳини ул сийпалар бот-бот.
— Шунинг ости — менинг маконим.
Ёдингда тут, эй табаррук зот.
Шунга дафн эт, узилса жоним.
Кампир таъзим этади бажо,
— Пирим, сизга кўп нарса аён.
Балки келур кўп қолу бало.
Тасаввурда бўлган намоён?!
Бош ирғайди шайх ҳазратлари:
"Оллоҳимга шукрим бепоён
Жанг тўфони, жанг офатлари.
Ором бермас менга кўп замон.
Шаҳид этар ғанимнинг илки
Бироқ мардлик ила ўламан.
Қайда бўлмай, сен яхши билки.
Албат, кампир, шунга келаман.
Ушбу беҳи тагига келиб.
Бошсиз танам топур ҳаловат.
Кампир, қабрим бошида туриб
Ҳар тонг қилгин менга тиловат"
Пири комил ҳар лутфи ибрат.
Сўзламасди худа — беҳуда.
Ўз қисматин этди башорат.
Кампирни лол қолдириб жуда:
Кампир ҳар тонг беҳи остини,
Супурарди, қиларди дуо:
Мадад бергил ҳамиша Худо,
Душмандан Шайх олсин қасдини.
Ким Кубродек билади экан.
Ўз тақдирин кўзгудек аён.
Зарра лоф-қоф қўшмадим мен ҳам.
Не бор бўлса айладим баён.

БЕШИНЧИ ҲАЙРАТ

Манзилга етилар йўл билан,
Муродлар ҳосилдир қўл билан.
Боғланар ришталар дил билан.
Ҳар машкул осондир қўл билан.
Тасалли, ширин сўз тил билан.
Бинолар ростлар қад қўл билан.
Ажралма, бирга бўл эл билан.
Тарихлар битилар қўл билан.
Қўл билан тутасан оловни.
Баланд кўтарасан яловни.
Инсон қўли гул дерлар доим.
Қўл тегмас ер кул дерлар доим.
Оқил асло адашмас йўлдан.
Омадини чиқармас қўлдан.
Инсон қўли тиклайди, ҳайкал.
Ҳаётига беради сайқал.
"Оқ олтин"ни яратар қўллар.
Шон — шуҳратинг таратар қўллар.
Қўл — бу йиллар қаърига пайванд.
Қўл — бу Хива, ўлмас Самарқанд.
Қўл — бу ҳиммат, туганмас ҳикмат.
Қўл — бу муштдир, қўл — минг бир хислат.
Инсон қўли буюк бунёдкор.
Унинг шаъни, мақтови бисёр.
Қилич тутса олади жон қўл.
Шафқат этса тутади нон қўл.
Қаҳр измига тушса — жаллоддир.
Не-не бўстон зумда барбоддир.
Шафқат билган дилларга таҳсин.
Қалам тутган қўлларга таҳсин.
Қўл мадҳини ёзади жаҳон.
Мақтовларга лойиқ у чандон
Бир қўл борки қўллар ичида.
Худди чақмоқ чўғлар ичида.
Тавоф этиб ўпади элим,
Бу — Нажмиддин Кубронинг қўли.

БЕШИНЧИ ИБРАТ

Ҳаддила зўр келди бу мўғул,
Ҳамла қилар сиртлон сингари,
Жангда Рустам достон сингари,
Тўкилса ҳам лашкар мисли дўл.
Соқоллари шамолда ўйнаб,
Урҳо солар эди Шайх Кубро.
Хоразмнинг эркини ўйлаб
Қилич сермар ҳаммадан кўпроқ.
Мўғул босар мисли чигиртка,
Ўрар ёғий сўл ила соғин.
Етмиш олти ёшли аскарга.
Боқар тишлаб ҳайрат бармоғин.
Шундай бўлди: қизир эди жанг,
Тугаб борар эди бардошлар.
Арғумоқлар силжийди аранг
Қулар ерга жонсиз кўп дошлар.
Кубро қурди улуғ ёшида,
Майдон аро таърифсиз саваш.
Заҳар тушган каби ошига,
Ҳалокунинг дили бўлди ғаш.
Не жасорат, бу қандайин ҳол,
Қайдан олар бунчалик кучни —
Ҳилвираган мўйсафид бир чол,
Вужудида қайнаган ўчми?
"Ўқ отинг!" — деб берилди фармон.
Бўшаб қолар зумда садоқлар,
Жондай таранг тортилар камон:
Ўқ қурбонин учар сўроқлаб.
Кўзларида қаҳри кўп бисёр.
Кубро турар, бермас ҳатто чап.
Юзлаб, минглаб ўқларни шунқор.
Дуо билан эта олди даф.
Ёронлар, юрт деган кимсанинг,
Дўсти кўпдир ёруғ дунёда.
Лекин кўпдир баттол душмани,
Ҳийла топар ҳаддан зиёда.
Ҳалокунинг ёлғиз эркаси,
Эртанги кун тахтнинг эгаси
Ёш баҳодир паҳлавон Тингуз,
Кубро сари интилар ҳаргиз.
Шайх найзасин санчолмай қолди,
Танасидан мадор йўқолди:
Халокунинг қотил боласи,
Донишманднинг кесди калласин.
Йиқилмади гурсиллаб Кубро
Калласини олди қўлига,
Бир қўли-ла тутди, ё Оллоҳ,
Қотилининг сочидан маҳкам,
Қарамайин ўнгу сўлига
Боғча сари одимлар шаҳдам.
Ажратолмас эди не зўрлар,
Сочни қўлдан урониб ҳарчанд.
Бенажот ёш ботир типирлар,
Қарангки, қўл берса унга панд!
Тилга кирар Қулназар Тусий:
— Аё, қоон, эшит сўзимни.
Шайх Кубро панжасин ёзиб
Қўйвормагай ҳаргиз кўзингни.
Айт, фарзандинг бўлсин мусулмон,
Калимаи таййиба айтиб.
Йўқса бундоқ азобдан, инон,
Қутулмайди ўғлонинг қайтиб.
Нетар, қоон иложсиз, нетар
Калимада эрса гар паноҳ.
Ёш паҳлавон айтади такрор:
"Ло илоҳа иллоллоҳ
Муҳаммадур Расулуллоҳ!"
Ушал онда янграр Кубронинг,
Ҳайқириғи, ўктам овози:
"Муродимга етдим, инонинг:
Шул ўғлондан розиман, рози!
Шукр айлайман, шул ўғлон боис,
Оллоҳим васлига етурман,
Ёш ботирни, айтмоғим жоиз,
Ўзим билан олиб кетурман".
Ва бўлади кўзлардан ғойиб,
Шайх Кубродан қолмас нишона,
Унинг ному шуҳратин ёйиб,
Кезиб юрар минглаб афсона.

ОЛТИНЧИ ҲАЙРАТ

Буюк эрур ҳазрат Навоий,
Чеккан халқ деб захмат Навоий,
Ибрат излаб бўлма овора,
Ҳар жабҳада ибрат Навоий.
Битикларин кўзга сурт минг бор,
Пири комил абад Навоий.
Бир сатрида гавҳар жам бўлса,
Бир сатрида зумрад Навоий.
Ўқийсану сўрагай ҳаргиз,
Эвазига ҳайрат Навоий.
Ҳикмат излаб чекма изтироб,
"Чор девон"да ҳикмат Навоий.
Бири "Сирожул муслимий" эрса,
"Насойимул муҳаббат" Навоий.
Фони сўлим хиёбон эрса,
"Хамса" — гўзал жаннат Навоий.
"Мажолисун нафоис" аро,
Тузган дилкаш суҳбат — Навоий.
Ердан токи қуёшга қадар,
Кўргазганким ҳиммат Навоий.
Яшамоқдан толсанг бир куни,
Сенга тоза хилқат Навоий.
Ўқур дунё беш юз эллик йил,
Сабоқлари қат-қат Навоий.
Илму урфон олиб пирлардан
Топган чин саодат Навоий.
"Шайх Кубро эрур қутби даҳр"
Иззатлари беҳад Навоий.
Анинг соҳиб кароматидан,
Сўзлагандир ҳар вақт Навоий.
Аҳли комил бўлса, жаҳонда,
Айлагандир ҳурмат Навоий.
Шайх Куброга қўйган эътиқод,
Кўрсатган садоқат Навоий.

ОЛТИНЧИ ИБРАТ

Ҳужраи хос. Авжида суҳбат,
Шоҳу вазир ўқур галма-гал.
Ғоҳ Ҳусайний тўкса латофат,
Ғоҳ Навоий беради сайқал.
Бугун тамом четга сурилди,
Майи нобу заржилвали жом.
Устозларга суҳбат бурилди.
Илми сўфий қалбга қўйди дом.
Ғоҳ Яссавий ҳикматларидан,
Зангиота зийнатларидан,
Ғоҳ Нақшбанд кароматидан,
Хожа Аҳрор тароватидан
Дилкаш гурунг чўғ олар эди.
Бойқаронинг қулф-дили бугун —
Ечилганди, тонг қолар эди
Мир тингларди диққат-ла беун.
Эслар Султон Нажмиддин Кубро —
Мақбарасин зиёратини.
Дарвеш чолнинг, яшаган танҳо,
Кўргузган чин иродатини.
— Бадавлатдир ўшал чол, амир, —
Оғир сўлиш олди Ҳусайн. —
Эътиқоди бир дунё ахир,
Ул жаннати бўлмоғи тайин.
Сўнг дилида унган армонни,
Навоийга айтади аста:
"Қилмасайдим агар султонлик,
Яшасайдим содда, шикаста,
Тарк этардим дунё ташвишин.
Барчасидан ўгирардим юз.
Бахш этардим шунга ёз-қишим,
Шайх Куброга чўкар эдим тиз.
Келса ҳамки қанча кўргулик,
Барчасига берардим бардош.
Ҳар ғиштидан минг бор ўргулиб,
Мақбарага бўлардим фаррош.
Ҳар ғиштини кўз ёшим билан,
Ювар эдим эртадан то кеч.
Кубро, дея сиғиниб дилдан
Ўзга нарса тиламасдим ҳеч!"
Суҳбат қизир хонаи хосда,
Мавжланарди икки дил — наҳр.
Пичирлайди Навоий аста:
"Шайх Кубро эрур қутби даҳр".

ЕТТИНЧИ ҲАЙРАТ

Паҳлавонлар ичра номдор паҳлавон,
Зарбасидан бирдек титраган жаҳон.
Бир қўлида белбоғ, бир қўлида нон,
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.
Хива тупроғидек Насли олийсиз,
Сизни билмаганлар бадбахт, толесиз.
Пирлар мадад этган буюк валийсиз
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.
Сиздан енгилгандир Арабу Ажам,
Не-не полвонларнинг бўлган дасти ҳам.
Ким ожиз — дардига қўйгансиз малҳам.
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.
Не-не курашларда ғолибу тенгсиз,
Саҳоват бобида мисоли денгиз,
Ҳар битта сатрингиз биттадан юлдуз.
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.
Иймон ичра сиздир булоқ тўлишган,
Нафс эмас, шаън деб ҳарба қилишган,
Сўнгги бурда нонни икки бўлишган
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.
Кучингизни асло айламасдан беш,
Иймон, эътиқодга бўлдингиз сиз эш.
Сиз — буюк, сиз — суюк,
мумкинмас тониш.
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.
Хиванинг ёшига ҳавасда олам,
Сиздек фарзандлар бор —
Хива мукаррам,
Куброо, Жалолиддин икки муҳтарам,
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.
Не-не босқинларни кўрди Хоразм,
Лекин асло ёғий қуролмас базм,
Боқийдир мардлик, боқийдир назм,
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг,
Қабрингиз бошида этдим шукрона,
Сиздек дили покка Хивадир она.
Бошингиз кўтаринг марди яқдона
Ё Паҳлавон Маҳмуд, бир мужда айтинг.

ЕТТИНЧИ ИБРАТ

Аму сувларидан ичмас экансан,
Қизилқумни майсадек қучмас экансан,
Ватан деб тўрғайдек учмас экансан,
Кубродек ёвга кафан бичмас экансан
Хиванинг ёшини сўрмагил асло!
Мен-ку курагимни бермадим ерга,
Хива макон асли фозилу шерга,
Ғоҳ шоду, ғоҳ андуҳ чекмасанг бирга,
Ихлос қилмасанг гар Кубродек пирга
Хиванинг ёшини сўрмагил асло!
Хиванинг ғиштида уста изи бор,
Устонинг манглайда шўру тузи бор.
Сенга боқиб турган дардли кўзи бор,
Шайхнинг Ватан деган ўтли сўзи бор
Хиванинг ёшини сўрмагил асло!
Одамлар ўтади, меъморлар тирик,
Мадраса, мақбара, минорлар тирик,
Ё ажаб, то ҳануз ғаддорлар тирик,
Ғафлатда юраги беморлар тирик
Хиванинг ёшини сўрмагил асло
Қалбинг кўр, кўзларинг
гар сўқир бўлса,
Тилинг юртингга ҳам дард тўқир бўлса,
Ювуқсиз кимсалар дарс ўқир бўлса,
Изингдан гулшанлар, чаманлар сўлса
Хиванинг тошини кўрмагил асло!
Ватан — унвон ичра энг олий унвон,
Жон десанг жондир у, нон десанг —
у нон!
Саждагоҳ, келажак, у — виждон, иймон,
Кубродек топмасанг мангу шараф-шон
Хиванинг ёшини сўрмагил асло!
Руҳан тирикдурмен Паҳлавон Маҳмуд,
Умрингда бўлмаса ҳақ, барака, қут,
Тарихингни билмай сақласанг сукут,
Нажмиддин Куброни айласанг унут
Хиванинг тошини кўрмагил асло,
Қабрим тепасида турмагил асло!

СЎНГ

Сайрадим ром айлаб ўхшаб қумрига.
Нуқта қўйилади инсон умрига,
Ватандан йироқда қолса кимдаким,
Парвонадек интиқ унинг нурига.
Шукрким, юртимда буюк Истиқлол,
Қон кечиб, жон чекиб айладик ҳалол,
Белингни боғлагин ҳамиша дўстим,
Истиқлол меҳнатда очади жамол.
Ватан, Қодирийдек жон фидодурман,
Усмон Носир айтган шўх наводурман.
Сен борсан — мен борман,
қўксим — тоғдайин,
Йўқса бир дарди бедаводурман.
Энг ширин байтларни ёзган маҳалим,
Ўйлардим, ҳеч шоир битмаган ҳали,
Юракда уйғонар ўтли бир туғён:
Ҳали қалбингдадур энг соз ғазалинг!
Дўстим, не бахт бўлса бирга тотайлик,
Ҳурлик яловини маҳкам тутайлик,
Ватан муҳаббатин ардоқлаб дилда,
Яшасак Кубродек яшаб ўтайлик!

Темур УБАЙДУЛЛО.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Кўксимда ғурур-у, лабимда ханда,
Шижоат жўш ургай бу жонли танда.
Не ажаб, оққушлар лол қолса,
Чарх уриб рақс этсам Ватанда...

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

Ойлик давом этмоқда

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ!

Маълумки, республикамизда шу йил 14 ноябрдан 14 декабргача "Ёнғинга қарши кураш" ойлиги ўтаётир. Бу ойлик вилоятимиздаги барча шаҳар ва туманларда ҳам фаоллик билан давом этмоқда. Ҳокимликлар ва вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан "Ёнғинга қарши кураш" ойлигининг ўтган кунларида 653 та корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда 12 минг 555 та фуқаролар хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги давлат назорати бўлинмалари ходимлари фуқароларга ёнғиннинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Лекин шуларга қарамай фуқароларнинг лоқайдлиги туфайли фожиалар сони камаймаётир. Жорий йилнинг ўтган ойи мобайнида вилоятимизда 2076 та ёнғин содир бўлди. Бунинг 1004 таси фуқароларнинг хонадонларида юз берди. Натижада 27 нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди, 134 киши турли тан жароҳатлари олди.

Шуниси ачинарлики, айрим хўжалик ва корхоналар раҳбарлари ёнғинга қарши кураш ишига ҳамон етарлича эътибор бермаяптилар. Хусусан, Олмалиқ шаҳридаги "Олмалиқ шаҳар худудий тиббий бирлашмаси" (бош шифокори Э. Маннопов), Янгийўл шаҳридаги "Янгийўлмебель" ишлаб чиқариш ширкати (раҳбари С. Сафу), Пскент туманидаги И. Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги (бошқарув раиси Р. Соипов), Қуйичирчиқ туманидаги "Мустақиллик" пахта тозалаш заводи (раҳбари И. Холматов) ана шулар жумласидандир. Бу раҳбарларнинг лоқайдлиги сабабли корхона ва хўжаликларда ёнғинга қарши кураш юзасидан етарли ишлар қилинмаяпти.

Шу йилнинг 7 ноябрь куни Паркент туманидаги "Заркент" давлат хўжалиги, Обидова кўчасидаги 11 — 13-хонадонлар болаларнинг олов ўйнаши оқибатида 190 минг сўмлик моддий зарар кўрди. Шунингдек, Бекобод туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Мирзаалиевлар хонадонида содир бўлган ёнғин ҳам уй эгаларига жуда қимматга тушди.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, ёнғин чиқмасидан унинг олдини олиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолиши керак. Ана шундагина жамиятимизда ёнғину офатлар, жароҳатлар сони камаяди. Ҳеч кимнинг тинчлиги бузилмайди.

Биз вилоятимизнинг барча фуқароларига, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиб, ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари томонидан кўрсатилган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этадилар, деб ўйлаймиз.

Ўлмас МУЗАФФАРОВ,
Вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига кўра, 3-7 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво қисман ўзгариб туради. Тоғли туманларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари -4+1 дан 1-6 даражагача, кундуз кунлари эса 3-8 дан 13-18 даражагача илиқ бўлади

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ШОХМОТ

ҚАРИЯ ДЕМАНГ БИЗНИ...

ГЕРМАНИЯНИНГ Бад-Билбанд шаҳрида кекса шохмотчилар ўртасида жаҳон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон спорт шарафини Виктор Борисенко билан Лариса Манишчевалар ҳимоя қилишди. Эркаклар баҳсида дона сурган 226 шохмотчи ўртасида швейцарча усулда ўтказилган турнирда Виктор Борисенко саккизинчи ўринни эгаллади. Аёллар баҳсида эса 30 шохмотчи ғолибликка даъвогарлик қилди. Ватандошимиз Л. Манишчева бешинчи ўринни олди. Эркаклар баҳсида латвиялик Л. Кларин, аёллар ўртасида эса россиялик Г. Затулловскаялар биринчи бўлишди.

ФУТБОЛЧИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани марказида Акмал Икромов номли деҳқонлар уюшмасининг илғор механизатори, яхши футболчи сифатида танилган марҳум Қудрат Омонов хотирасига бағишланган футбол турнири бўлиб ўтди.

Унда Янги ҳаёт қўрғонининг "Янги ҳаёт", "Галаботир" жамоалари, қўшни Оҳангарон туманининг "Эйвалак" футболчилари ўзаро куч синашдилар. Хотира турнирида хўжаликнинг "Турон" ҳамда Қудрат Омонов тенгдошларидан иборат "Синфдошлар" жамоаси майдонга тушганлиги мусобақанинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади. "Турон" жамоасига Акмал Икромов номли деҳқонлар уюшмасининг раиси Нуриддин Турғунов сардор бўлса, "Синфдошлар"га футболчи-механизаторнинг ўғли Дилмурод Омонов етакчилик қилди.

Учрашувлар якуни бўйича совринли ўринларни "Янги ҳаёт", "Галаботир" ва "Турон" жамоалари эгаллашди.

Соврин эгалари олган мукофотларини Қудрат Омонов оиласига туҳфа этишди.

У. ҲАМИДОВ.

«ЎЗБЕКНАВО»
гастроль-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими бирлашма қошида ташкил этилаётган
МИЛЛИЙ АШУЛА ВА РАҚС ЖАМОАСИГА танлов асосида
ХОНАНДА, СОЗАНДА ва РАҚҚОСАЛАРНИ
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Мурожаат учун телефонлар: 64-83-43, 64-84-93.
Манзилимиз: Қибрай тумани, «Дўрмон» маданият саройи биноси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИ
"ЎЗБЕКНАВО" гастрол-концерт бирлашмаси Тошкент вилоят бўлими
ФАҚАТ БИР КУН!!!
20 декабрь соат 18.00 да
"ҚЎШИҚ-ЛА ЭЛГА МАНЗУР ХОНАНДАЛАР"
— АЗИМ МУЛЛАХОНОВ — ТОШПЎЛАТ МАТКАРИМОВ — АБДУЖАББОР ЛАТИПОВ — АБДИРАҲИМ МУҲАМЕДОВ — ИЛҲОМ ФАРМОНОВ — "ШАҲЗОД" ва ""СОРБОН" гуруҳларининг
катта ЯНГИ ЙИЛ дастури
кечада бошқа таниқли санъаткорлар қатори
қизиқчиларнинг қизиғи
ва қизиқчиларнинг сардори иштирок этадилар.
Уларнинг кимлигини ўзингиз топинг.
Ўзининг ҳазил-мутойибалари билан МАДИНА МУХТОРОВА қатнашади.
Дастурларни ЗУҲРА АШУРОВА ВА МИРСОЛИҲ СОАТОВ олиб борадилар
ШОШИЛИНГ – АРМОНДА ҚОЛМАНГ!!!
Чипталар сарой кассаларида сотилмоқда. Маълумот учун телефонлар: 45-92-51, 64-83-43, 64-84-93.

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0811. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.734 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.00. 1 2 3 4 5 6